
V ИСЛОМ БИРДАМЛИГИ СПОРТ ЎЙИНЛАРИДА ФАРФОНАЛИК СПОРТЧИЛАР ҲИСОБИДАГИ МЕДАЛЛАР СОНИ 10 ТАГА ЕТДИ: КЕЧА ДАСТЛАБКИ ОЛТИН МЕДАЛЬ ҲАМ ҚҮЛГА КИРИТИЛДИ!

Туркияning Конъя шаҳрида бўлиб ўтаётган V Ислом бирдамлиги ўйинларида иштирок этаётган фарфоналик спортчиларимиз ҳисобидаги медаллар сони 10 тага етди: 1 та олтин, 3 та кумуш, 6 та бронза. Кечадастлабки олтин медаль ҳам қўлга киритилди!

Бадиий гимнастикачимиз Нилуфар Аъзамова 5 ҳалқадаги жамоавий дастурда жамоадошлари билан олтин медалга сазовор бўлди.

56 та мамлакатдан 4200 нафарга яқин спортчилар иштирокида 9-18 август кунлари бўлиб ўтаётган V Ислом бирдамлиги ўйинларида аввалроқ фарфоналик гимнастикачилар Расулжон Абдураҳимов ва Ҳабибулло Эргашев жамоавий дастурда, парасузиш баҳсларида эса Баҳтиёр Ортиков 50 метрга чалқанча усулда сузиш беллашувида кумуш медалларни қўлга киритгандилар.

Расулжон Абдураҳимов шунингдек, параллел тўсин машқларида ҳамда яккалик кўпкурашда бронза медалларини қўлга киритди. Шунингдек, ёш таэквондочимиз Зухра Тожиматова (46 кг. гача), юнон-рум курашчиларимиз Муҳаммадқодир Расулов (60 кг) ҳамда Аброр Атабоев (67 кг), енгил атлетиканинг найза улоқтириш баҳсларида Наргиза Қўчқорова бронза медаллари соҳиби бўлдилар.

Ислом бирдамлиги ўйинларининг бугунги дастурида камондан отиш бўйича вилоятимиз вакилларидан Зиёда Абдусатторова ҳамда Зебинисо Абдусатторовалар баҳс олиб боришади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-15 12:37:29